

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

БУНИ ВАҚТ КҮРСАТАДИ

Едингизда бұлса, мұхтаратам ўкувчилар, рұзномамызниң 26 январь күнги сонида «Құлмаш-қидирмиш» ёки андіжонлик ташмачилар ҳақида» сарлаваһы танқидий мақолани чөп этгандик. Ана шу мақолада күтәрілген мұммом — Андіжон ип-газлама ишлаб чиқарыш бирлашмасыда авж олиб кетған ташмачиликни бартараф қилиш юзасидан шошилинч чора-табдирлар күришларини сұраб, жұмхурият енгил саноат вазирилігига ҳамда Андіжон виляти ижроғы құмитасыға хат жүнатғандик. Үз навбатыда улардан белгиланған табдирлар тұғрисида таҳрирятимизни хабардор қилишларини илтимос қылғандик.

Лекин ҳа деганда улардан жавоб бұлмади, илтимосымыз инобатта олинмади. Шу боис рұзномамызниң 11 апель күнги сонида иккінчи марта қиқиши қилишга мажбур бўлдик. «Рағбатлантириш ёки ўрганған кўнгил ўртанса қўймас» сарлаваһы танқидий мақолада юқорида номлари тиға олинған иккита нұфузли ташкилотнинг матбуотга бўлган муносабати ҳақида фикр юритдик, айни чоғда назоратимиздаги бирлашмада

ташмачиликка чек қўйилмаганлығы ҳақида ҳам ташвишли фикримизни билдирилдик.

Шундан кейингина, яъни 15 апель күні вазирилікден ҳам, ижроқұмдан ҳам жавоб ҳақида олишга муссар бўлдик.

Енгил саноат вазири ўринбосари З. Болтабеова имзо чеккан ҳатда ёзилишича, бизнинг дастлабки мақоламыз үша жойнинг ўзида бирлашма маъмурити иштирокида кўриб чиқылган. Айни пайтда корхона раҳбарлари ўзgartырилиб, ташмачиликка барҳам бериш бўйича табдирлар белгиланган.

Андіжон виляти ижроғы құмитасы раиси ўринбосари Х. Хотамов имзо чеккан ҳатда айтилишича, «Ўғирликни иўқотиши учун ҳамма имкониятлар яратилди ва бирлашманы иқтисодий қашшоқликдан қутқарыб, даромадли корхонага айлантириш режалари белгиланди».

Лекин шуниси борки, ҳар иккى ҳатда муаммони тугатиши учун белгиланған чора-табдирлар ҳақида аниқ фикр юритилмаган.

Нима ҳам дердик, ишқилиб уларнинг жавобларида айтилган гаплар амалга ошсина...



УСТА

Тошкент шаҳар ИИБга қарашли ёнғиндан сақлаш бошқармасыда ёш ходимларни тарбиялаш ва мустақил иш юртисын үргатыш вазифасы тажрибали кекса ходимларимиз зимиңнисидадир.

Шундай жонкуяр устозлардан бирни меҳнат кексаси, Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармасы бўлнимаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковники Анастасий Макаровдир.

1954 йилда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизмат бурчани адо этиб қайтган А. Макаров бу мураккаб касбни танлади.

Орадан йиллар ўтди. Бу давр мобайнида А. Макаров ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишиди. Машаққат ва қийинчиликлар уни чиниқтириди. Талантли шогирдлар тарбиялади. Кўплаб медаллар билан тақдирланди.

У айни пайтда ҳам бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

М. МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси кадрлар бўлуми бошлиғи, ички хизмат подполковники.

СУРАТДА: ўз касбининг билимдони А. Макаров ички хизмат сержант Ольга Аввакумовага техника сирларни ўргатмоқда.

ЧАЙҚОВЧИ

Коммунистик тумани Янгибозор қышлоқ матлубот жамиятнинг 37-дүконидан ҳар бири 80 тиинлик сигареталардан 480 кутисини сотиб олган Отажон Фаниев уларни 2 сўмдан пуллаётганида қўлга тушиб, туман

халқ суди томонидан 10 минг сўм жарима тўлашга ҳукм қилинди.

«Юбилей» кўпмолли дўконининг сотувчиси Тоҳир Рахаббоев «Муравей» моторолерининг харидорини 239 сўмга ту-

шираётганида, унга БХСС ходимлари ҳисоб-китобга ёрдамлашвортади.

Худди шу дўкон сотувчиси Тошбу Ҳасанова эса 2963 сўмлик харидорига молларни яшириб қўйганидан ўзи ҳам «бебабар» экан.

А. РУСТАМОВ,
милиция капитани.

Жамият ва қонуни ОЛДИННИ ОЛИШ-ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ



тартыбини сақлаш, жиноятларнинг олдини олишдан ва соидир этилган жиноятни тез ва тўла очишдан, аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам берришда қатнашишдан ва жиноятни жазоларни ва маъмурит таъзир беринши ижро этишдан иборат бўлса, 16-моддада милиция ходимларининг ҳуқуқий ҳолати кўзда тутилади. Мазкур қонуннинг 17-моддаси давлат милиция ходимларининг ижтимоий ҳимояланниши кафолатланған. Қонун чиққан кундан бошлаб милиция ходимларининг ҳаётини шахсий сурғута қилина бошланди. Сурғута қилини мажбурий бўлиб, тўлов шартномалар асосида вазирликлар, идоралар, корхоналар, мусассасалар ва ташкилотлардан тушган маблаг ҳисобига амалга оширилади. Илгари бундай имтиёз Ички ишлар вазирликларидан бўлмаган. Шунингдек, милиция ходими хизмат бурчни ўтаб турган маҳалда ҳалок бўлса, унинг онласига уй-жой тақсмлашда, телефон ўрнатишида, болаларни боғчага жойлаштиришда маълум имтиёзлар берилади ва бундай оиласлар ижтимоий-мений

тахминотнинг бошқа турлари бўйича доимо Вазирилк назоратида бўлади.

— МЕН ҲАМ ИТИФОҚ ПРЕЗИДЕНТИ ЧИҚАРГАН ҚОНУН БИЛАН ТУЛА ТАНИШИШ ЧИҚДИМ... МАЗКУР ҚОНУННИҢ 4-МОДДАСИДА «МИЛИЦИЯ ФАОЛЯТИДА ОШКОРАЛИК» ЭТГАН...

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда милициянинг ҳалқдан яширадиган ҳеч қандай сири йўқ. Қонунда кўзда тутилган (баъзи бир ҳоллар бундан мустаснодир) милиция ходимлари жамоатчиликнинг фикрига таяниб, ҳалқ билан биргаликда иш олиб бормас экан, оммани содир этилган ҳар бир жиноятдан воқиф этиб турмас экан, албатта орган ходимларининг олдини олиш, жиноятни очиши ишларининг тезлашувига салбий таъсир кўрсатади ва бизнинг бу борада олиб бораётган машаққатни иши миз мавҳумлигича қолаверади. Ҳаммага маълум, оммавий ахборот воситаларни Ички ишлар вазирлиги, суд,

прокуратура ва, қолаверса, ҳар бир район ички ишлар бўлуми ходимларининг иш фаолиятини мунтазам рашида ёритиб бормоқдалар. Вазирилк қарамоғидаги маҳкамаларнинг эшиги бундан кейин ҳам оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун доимо очиқ бўлади.

— МАЪЛУМКИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИЛГИГА ВИЛОЯТЛАРДАН ТАШВИШИ ҲАБАРЛАР КЕЛИБ ТУРАДИ. СИЗ ШУЛАРДАН БИР-ИККИТА МИСОЛ КЕЛТИРИБ УТОЛМАЙСИМИ!

— Албатта бўлади. Мен юқорида ўтган йили 15 нафар милиция ходими жиноятчилар қўлида ҳалон бўлганлигини айтиб ўтган эдим. Бу йил ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар тақрорланиб туриди. Ҳозирча йилнинг биринчи чорагига якун ясалмаган бўлса-да, мен иккита мисол келтириб ўтаман. Агар милиция ишидан бир кунлик воқеани ёритиб ўтадиган бўлсак, содир этилган жиноятнинг моҳиятни ўзудлик билан таҳлил этишининг қанчалик мураккаб эканлигини билиб олиш қийин эмас. Яқинда, аниқроғи 29 марта куни Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида участка вакили, милиция катта лейтенанти Н. Истаевнинг ҳаётига тажовуз қилинди. Истаев ўзининг участкасида истиқомат қиласиган, ҳеч қаерда ишламай гиёхвандлик қилиб юрган В. исмли шахни шикоят бўйича, участка пунктига таклиф қиласи. У илгари ҳам В.ни бир иккি бор тартибга чакириб, тезда бирор фойдални ишининг учини тутмаса оқибати ёмон бўлиши түррисида огоҳлантирган экан. Савол-жавоб пайтида В. тўсатдан Истаевнинг кўксига личноқ қадайди. Баҳти тасодиф туғайлини пичноқ юракка бориб етмаган ва Истаев кўксидан оқиб чиқаётган қонга ҳам парво

қилмай, иложи борича қочиб кетаётган жиноятчini ушлаб қолишига ҳаракат қиласи. У югуриб та олмаслигини, тобора ҳолсизланиб бораётганини сезиб қуролдан юқорига қаратса огоҳлантирувчи ўқ узади. Жиноятчи шундан кейин ҳам тўхтамаганидан сўнг уни нишонга олиб ўқ узади...

Бундай мисолларни кўплаб кетириш мумкин. Тошкент ва Тошкент вилоятида қасддан жиноят содир этишининг оғир формалари, шу жумладан шахсий мол-мулкларни ўғирлаш, хотин-қизларни зўллаш каби жиноятлар ҳамон камаймаяти. Жумхуриятининг бошқа регионларидан ҳам ахволни яхши деб бўлади.

— КЎРИНИБ ТУРИБДИКИ, ИТИФОҚ ВА ЖУМХУРИЯТИМIZ РАҲБАРЛАРИ ҚАРОРЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИЛЛАРИ, ШУНГА АЛОҚАДОР МАҲКАМАЛАРИГА БАРЧА ХОДИМЛАРИГА МАЪЛУМ ДАРАЖАДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛГАНИ ҲОЛДА, УЛАРНИНГ ДАХЛСИЛИГИНИ ТАЪМИЛАНГА ҲАМ ҚАФОЛАТ БЕРИЛМОҚДА. ШУНДАЙ ЭКАН, УСИБ БОРАЁТГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КЕСКИН РАВИШДА ПАЙИНИ ҚИРКИШ, СОДИР ЭТИЛИШИ МУМКИН БУЛГАН ЖИНОЯТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШИГА ҶАРШИ ОЛДИНДАН ЗАРБА БЕРИШ БОРАСИДА ВАЗИРИЛДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА!

— Ҳали гапириб ўтганимдек, милиция жамоатчиликнинг ёрдамисиз асосий вазифаларни амалга ошира олмайди. Баъзида содир этилган жиноятни тезроқ очиш мақсадида ходимлар воқеани кўзи билан кўриб «сирдан» воқиға бўлган кишинлардан ишга аниқлик киритиш мақсадида воқеа

тафсилотини сўрасалар, ёрдам беришдан бош тортшади. Еки ўзини ҳеч нарсадан бехабар одам қилиб кўрсатади. Бу эса ўз навбатида жиноятчini кўллаб-куватлаш билан баробардир. Кейинги пайтларда кўп қаватли турар-жой бинолари зич жойлашган мавзеларга қараганда маҳаллаларда жиноят содир этишилк бирмунча камайди. Бунда, албатта, маҳалла оқсоқолларининг, дин пешволосининг хизмати катта бўляпти. Ешлар сенингда турар-жойни таълим-тарбия ишларни тафсилатида жамайтиб, қўйди-чиқдилар барҳам топмоқда. Башарти уйини ўри урган, машинасини ўри олиб қочиған ёки безорилардан жабр кўрган кишилар милицияга мурожаат қилишаркан, албатта, жамоатчилик ҳам милициядан ўз ёрдамини аясаслиги керак. Мабодо бирорта безори кўчада «хурмача» қилиб қилиб турса одамлар ҳеч нарса кўрмагандек беларво ўтиб кетишади. Мана шу каби лоқайдилклардан фойдаланиб кўпгина ўшилар жиноят содир этилгандан кейинги унинг сабаблари билан қизиқамиз. Бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш, уни таг-томири билан қуртиш ҳаммамизга боғлиқ бўлиб туриди.

Сұхбатни жамоатчи мухбири миз Раҳмонали АҚБАРАЛИЕВ олиб борди.

СУРАТДА: М. П. Иванов.

(«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 1991 йил 11 апель сонидан).

Меңнат таътилимни расмийлаштириб. Янгиўлга жүнадим. У ердан жуда кеч қайтдим. Күча мюлишига етганимда, қоровулхона томон келаётган баланд бўйли, бақувват йигитни кўрдим. Қоровул менни кўриб қолган эканми, уни ҳайдай бошлади.

— Салом, старшина, — нотаниш йигит қўлини чўзди.

— Салом, бемаҳалда йўл бўлсин?

— Эҳ, старшина, — деди йигит чуқур хўрсиниб, — хотинимдан шубҳам бор. Рашидан юрагим ёнаяпти. Қоровулдан «оби зам-зам» топилса-ю, зора кўнглим ёзилса, деб чиқандим.

— Ундин бўлса танишайлик. Ҳужжатларингиз...

— Исмим Игорь, — деда кўкрак чўнганини ковлади. Ҳарбий билетини узатаркан тушунтириди. — Винзавод орқасида яшайман.

Ана холос, кўшни эканмиз-ку, фақат анҳор ажратиб туар экан. Бу ерда яшовчиларнинг кўпчилиги руслар бўлгани учун улар мени «Миша, Михаил» деб чақиришади. Ҳозир ҳам кимдир «Мишка» деди-ю. Игорь билан сұхбатимиз узилди.

кампир, унинг оёқ томонида эса бosh қўйганча 40 ёшлардаги бир-киши ухлаб ётарди. Иккисидан ҳам бадбўй ҳид тарааларди. Пастда ўтирган 20-25 ёшлардаги малласоч хонимга ярим ялангоч бир йигит қўлини пахса қилиб дўқ уради:

— Кўчада танишдикни, танишдик. Уйда ҳеч ким йўқ, деб олиб келдингми, келдинг. Урдирдинг? Урдирдинг... Энди пулларимни, кийимларимни топиб берасан. Агар топиб бермасанг... — деда сўкинари.

Уларни ИИБга олиб келганимизда, қўйидагилар маълум бўлди.

Калтакланиб, бор бисотидан айрилган йигит Тўлқин Исройлов бўлиб, Тошкент шаҳар Октябрь туманида истиқомат қиласкан. У ва дўсти Комил кўчада айланниб юриб, Раиса ва Катериналар билан танишиб қолишиди. Кафега кириб «қизларни» тоза меҳмон қилишган. Ташқарига чиққач, Раиса муғомбираона деди:

— Кўча совуқ. Утириб, иссиқини хонада маишат қилишга нима етсин. Бир кампир холамиз бор. Иккиси хоналий ӯйда ёлгиз. Юринглар ўша ерга борамиз.

— Рост гал, — уни қув-

турхонга ўтиришиб, чегириб яширилган ароқларини ичишиди.

Бир маҳал Сашанинг эсига агарда йигит ўлган бўлса, олий жазо олиши тушиб, типирилаб қолди. Унинг орқасидан Катя ҳам отланиб номаълум тарафга кетишиди.

Мана сизга ҳавоини ошиқма-шукларининг касофати. Хайриятки, Тўлқиннинг бахтига ён қўшним Валя ва Акбарлар бор экан.

Тинтув чорига жабрланувчига тегишили пулнинг ярми Раисанинг пайпогидан чиқди.

— Ўртоқ майор, уч-тўрт милиционер билан машина берсангиз. Жиноятчанинг бири уйда қолган. Ҳали-бери ўйғонмаса керак. Бир эркак ва аёл уйдан чиқиб кетган. Балки қидириб топармиз.

— Жуда соз-да.

Иўлда вокзал томонга кетаётган бир аёлни кўриб, тўхтатдик. Унинг қўлтигидаги ўрами менда шубҳа ўйғотди. Не кўз билан кўрайки, қўйлақдаги қон излари қотиб улгурмаганди.

Катяни олиб холасиникига келганимизда, улар ҳамон ухлаб ётишарди. Иккичи хона полида эса шприц ва наркотик моддалиларни ампулалар, чет эл журнال-

БЕПАРВО РАҲБАРЛАР

Йил сайн ўйларда ҳаракат қилаётган автомашиналар сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Бу нафакат ҳайдовчиларнинг, балки ДАН ходимларининг ҳам масъулиятини оширишни тақозо этади. Бу ўринда транспорт ҳодисаларини камайтириш ва унинг олдини олиш мақсадида оммавий рейдлар, текширувлар ўтказилиши яхши самара бермоқда.

Қарши тумани ИИБ ДАН ходимлари томонидан колхоз ва совхозларда машиналар ҳамда тракторлардан фойдаланишининг аҳволи текширилди. Унда 331 та йўл ҳаракати қоидлари бузилганлиги ҳоллари қайд этилди. К. Маркс номли совхозда давлат транспортини уйда сақлашнинг 11 факти аниқланниб, уларга чора кўриш учун туман аграрсоноат бирлашмаси ва хўжалик маъмуриятига ҳужжатлар жўнатилди.

Энгельс номли совхоздан Б. Исломов, «Қарши» совхозидан Г. Бозоров, «Москва» совхозидан Ч. Раҳмонов, Акмал Икромов номли совхоздан С. Умиров, О.

Ф. ТУРСУНОВ,
МИЛИЦИЯ КАПИТАНИ.



УЧАСТКА вакили ўзига биркитилган ҳудудда тинчлик сақланишини таъминлаш учун касб маҳоратини оширишагина ўтибор қиласа, қўнгилдагидек натижаларга сира эриша олмайди. Ҳеч қандай үдабуронлик кўпчилик ёрдамининг ўрнини босолмайди.

Буни яхши англаган Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ участка вакили, милиция капитани Одилкон Орипов ҳудуддаги меҳнат жамоалари ҳузурдан аримайди.

СУРАТДА: милиция капитани Одилкон Орипов хўжалик ҳисобидаги 7-автотранспорт корхонаси ҳайдовчилари, инженер-техник ходимлари билан сұхбатлашмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Тошкент шаҳар Ленин тумани ИИБ томонидан 1986 йил 8 марта тугилган Ҳамза тумани, Висол йўлаги, 13-ўйда яшовчи Қаҳҳоров Суннат Усмонович қидирилмоқда.

Шу йилнинг 12 апрелида «XXI партия съезд» давлат хўжалиги болалар боғчасидан чиқиб кетган Суннат уйига қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 90-100 см, ўртача гавдали, сочлари калта, бўйининг ўнг тарафиди гурураси бор.

Этнида зангори рангдаги жунсли свитер, зангори рангли шим, қизил рангли кроссовка бор эди.

Суннат Қаҳҳоровни билган, кўрган ёки у ҳақида бирон-бир маълумотга эга шахслардан 91-58-02,



91-58-13, 91-35-74 ёки «02» рақами телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

Ота-онасининг уй телефони: 90-14-21.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, фирқа ташкилоти ва шахсий таркиби Ангор тумани ИИБ бошлиги милиция подполковники

МАМАДИЕРОВ Салим Хидировичининг

узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига ҳамда қариндош-уругларига чуқур таъзия изҳор этади.